



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 27 май, № 106 (4769)

Чоршанба

ПРЕЗИДЕНТ БРАЗИЛИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан, 26 май куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Бразилия халқаро майдонда яқиндан ҳамкорлик қилади, бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Латин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома аъзоси сифатида Бразилия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон БМТ органларига Бразилия номзодларини ёқлаб келади. Умуман, икки мамлакатнинг халқаро муаммоларга, ривожланиш масалаларига қарашлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Бразилия савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларга ҳамкорликнинг муҳим бўлини сифатида қарайди. «Узинфинвест» агентлиги билан Бразилиянинг Савдо ва сармоя агентлиги (АПЕКС) ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Икки мамлакат ўртасида турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда, 2008 йили Сан-Паулуда Ўзбекистон — Бразилия бизнес-форуми ташкил қилинди.

Президент Ислам Каримовнинг мазкур ташрифи асосида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

(ЎзА).

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида «Ўзбекистон пойтахти Тошкент — 2200 ёшда» деб номланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтмоқда.

Кўҳна ва навқирон пойтахтимиз — жаҳон эътиборида

Мазкур тадбир республика Фанлар академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда юртимиз тарихчи олимлари, хорижий илмий тадқиқотчилар, давлат ва жамоат бirlашмалари ҳамда мамлакатимиздаги қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейини унинг юксак нуфузи ва маънавияти мусобақаси тарзда нишонлаш, Тошкентнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, бой тарихий ва маданий меросини тарғиб

этишга қаратилган ушбу халқаро тадбир икки кун давом этиши кўзда тутилган. Анжуманда олимлар, археологлар ва нумизматика соҳаси мутахассислари Тошкент шаҳрининг турли даврлардаги тарихи, минтақага хос шаҳар-созлик маданиятининг ўзига хос тараққиётига оид янги илмий маълумотларни тақдим этишди. Хусусан, қадимий шаҳарнинг бой маданияти, этнографияси, унинг миллий давлатчилигимиз ҳамда жаҳон цивилизацияси тарихида тугган ўрнига оид илмий маълумотларни янгилиш иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

(Давоми 4-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ



М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан амалга оширилаётган изчил иш-хотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқлари тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, аграр секторда ихчам ва қулай технологиялар жорий этилаётгани, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилинаётгани юқори самара бераётир.

Бундай шароит ва имкониятлар эса кичик бизнес субъектлари ҳамда фермерларнинг фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилаётгани эътиборга моликдир. Маълумки, пойтахтимизда аънавий ўтказиб келинаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган кўرғазма-савдоси бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Шу боис жорий йилдан бошлаб бундай кўрғазма-савдолар минтақаларда ҳам ташкил этилапти.

Кўрғазма

Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган кўрғазма-савдода эса нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларнинг энг илғор компания ва корхоналари ўзларининг техника ҳамда технологияларини намойиш қилдилар. Хусусан, мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш технологиялари, бодворчилик ва узумчилик тармоқлари учун мўлжалланган жиҳозлар, термини қайта ишлаш, ветеринария, қадқоқлаш ускуналари, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш қурilmалари, ун ва омикта ем ишлаб чиқариш минитехнологиялари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қиладиган бир қатор ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди.

СУРАТДА: кўрғазмадан лавҳа.

Президент Ислам Каримовнинг АҚШда нашр этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ушбу давлатнинг сиёсий, академик ва иқтисодий доиралари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

ВАШИНГТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Китобнинг Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида ўтказилган тақдимотида АҚШнинг нуфузли ва обрўли эксперт ҳамда таҳлилчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти асарининг асосий моҳияти ҳақида сўз юритар экан, Ж. Холкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари **Фредерик Старр** асарнинг Америкада чоп этилган наشرига ишбилармон ва молиячи Н. Ливингстон томонидан ёзилган изоҳдаги: «дунёнинг иқтисодий етак-

чи давлатлари раҳбарлари Ислам Каримовнинг Инқирозга қарши чоралар дастурини чуқур ва жиддий

Биз ва жаҳон

ўрганиб чиқишлари лозим» деган фикрга тўлиқ қўшилишини айтди. Ф. Старрнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Президенти кенг стратегик дунёқараш билан ажралиб туради». Асарда ҳозир кечаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти

олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича ҳаққоний ва ҳар тарафлама кенг хулосалар берилган. Айни пайтда муаллиф нафақат инқирознинг ҳозирги таъсирларига қарши курашиш

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

25-26 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери **Д.Тошмухамедова** олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ва 2009 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазир Р. Азимов сўзга чиқди. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов кўшимча маъруза қилди.

Таъкидландики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ҳисоб-бот даврида илгари Олий Мажлис томонидан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ижро этилди. Бюджет жараёнида асосий эътибор мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида белгилаб берилган энг муҳим устуворлик-

ларини амалга оширишга қаратилди. Мамлакатда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ва унда назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулот, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши, қурилиш ишлари, транспортда ташиллар, савдо ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари ўсди, янги иш ўринлари яратилди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини кучайтирилганилиги, сифатли ва рақобатбардор товарлар ишлаб чиқаришнинг таъминланганлиги замонавий таъминланган минитехнологияларнинг жорий этилганлиги, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, шу жумладан, технология жараёнларини оқилона

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчида иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига кираверишда жойлашган милиция блокпостига портловчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган. Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғисинда яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45-14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум киши ўзини ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти ҳудудида қўшни Қирғизистондан қириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларида иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакат бўйлаб

Инвестиция ҳисобига

Олтинқул туманидаги «Евро Азия пласт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида тайёрланаётган пластик қопламаларга ички бозорда талаб ортиб бормоқда.

Илгари бу хилдаги қопламалар хориждан келтирилар эди. Қўмақай қишлоғидаги мазкур корхона эса йилга 2 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Малайзиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Фикентекс» хорижий шўъба корхонаси 365 минг АҚШ доллари миқдоридида маблағ эвазига барпо этилди. Корхонага хориждан замонавий тўқиш дастгоҳлари келтирилди. Улар тўла қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 600 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилади.

Хар икки корхонада 35 тадан янги иш ўринлари яратилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фан ва амалиёт ҳамкорлиги

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида «Нефть ва газ sanoati кимёвий технологиялари-нинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртулари олимлари, амалиётчи мутахассислар нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш, қайта ишлаш соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар, технологик ўзгаришлар ҳақида фикр алмашдилар. Илмий мулоқот-

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги озиқ-овқат sanoati объеклари

2009 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, республикамиз озиқ-овқат sanoatiда



Янги объект ишга туширилди. Жойларда аҳолини озиқ-овқат товарлари билан барқарор таъминлаш юзасидан изчил чоралар тадбирлар қўрилгани туфайли соҳа қурилишида шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Водий ипаги» — экспортга

Унинг хориж технологияси билан жиҳозланган цехларида йилга 560 тонна «кумуш тола» жаҳон бозорига талаб катта бўлган ипака айлантирилади.

Корхона иқтисодий жиҳатдан ночор холатга тушиб қолган «Атлас» ҳиссадорлик жамияти негизда ташкил этилди. Таъсисчилар бу ерда модернизация тадбирларини амалга оширганларидан сўнг собиқ корхона меҳнатчиларининг катта қисми ўз иш жойларига қайтди. Қуни кеча ҳаракатга келтирилган пиллини қайта ишлаш дастгоҳларида 300

га яқин қиз-жувонлар совимли касбларини давом эттиряпти. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, ишчилар сонини 1300 нафарга етати. «Водий ипаги» шу кунларда вилоятда этиштирилган «кумуш тола» ҳосилини қабул қилишни бошлади. Жамғарилган хом ашёдан йил охирига-ча 65 тонна табиий ва 60 тонна ғазна ипақ тайёрланади. Унинг асосий қисмини Японияга экспорт қилиш режалаштирилган.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марказ иш бошлади

Галлаорол туманидаги Лалмикор шаҳарчасида мийшич хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади.

Тадбиркор Эркин Тожиев банкдан олган кредити эвазига ушбу замонавий мажмуани барпо этди. Бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбаси, сартарошхона, тикувчилик цехи, қассобхона ва савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Марказ фойдаланишга топширилиши туфайли 20 та янги иш ўрни яратилди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАШИНГОНДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

бошқаруving маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун аввал бошданқад тарихий ёндашувнинг танлангани бунга муҳим асос бўлади.

Шу маънода, Ф. Старр етакчи америкалик экспертларнинг Марказий Осиё бўйича олиб борган тадқиқотлари натижаларига таянган ҳолда, "Ўзбекистон банк тизими минтақанинг бошқа давлатларига хос бўлган инқирознинг жиддий кўринишларини бошдан кечирмаётгани"ни қайд этди.

Жоржия университети Халқаро хавфсизлик маркази директори Д. Херсонски Президент Ислам Каримовнинг китобида асосий эътибор транспорт коммуникациялари ва инфратузилмани ривожлантиришнинг истиқболларига қаратилганини қайд этди. Д. Херсонскининг фикрига кўра, яқинда Навоий шаҳрида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ)ни ривожлантириш Ўзбекистонда муваффақиятли амалга ошириладиган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Экспертнинг баҳолашича, кенг қўламли сармояларни жалб қилиш эвазига Ўзбекистоннинг ушбу ҳудуди дунёнинг уч қитъаси — Осиё, Европа ва Африкани боғловчи марказга айланиши мумкин. "United Press International" ахборот агентлигининг халқаро таҳлилчиси Д. Дейли Ўзбекистон минтақанинг етакчи давлати бўлиб, Марказий Осиё давлатлари хавфсизлиги ва барқарорлиги, жумладан, иқтисодий ва билан узвий боғлиқ эканини қайд этди. Президент Ислам Каримовнинг китоби 1991 йилдан буён Ўзбекистоннинг иқтисодий тикланиши ва тараққиёт этиш суръати акс эттирилган теран таҳлилий асардир.

Д. Дейли мазкур китоб-
«Жаҳон» АА.
Вашингтон шаҳри

да глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатлари барча давлатлар учун муқаррар экани ҳаққоний талқин қилинганга эътибор қаратди. Шу ўринда, америкалик экспертнинг таъкидлашича, агар инқироз Ўзбекистонга камроқ таъсир этган бўлса, демак, бунинг ҳам ўз сабаблари бор. Бинобарин: биринчидан, банк тизими яхши йўлга қўйилган, унинг самарали фаолият юритиши таъминланган, аҳолининг мамлакат банкларига бўлган ишончи юқори; иккинчидан, банклар фаолияти устидан самарали назорат ўрнатилган; учинчидан, мамлакат банкларининг ташқи омилларга боғлиқлиги даражаси жуда кам.

Д. Дейлининг хулосасига кўра, "Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ҳозирги инқирозга жуда яхши тайёргарлик кўрган" ва бу Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида унинг олдини олиш учун ўз вақтида қабул қилинган иқтисодий ва молиявий чора-тадбирларнинг самара бераётгани билан ўз тасдиғини топади.

Президент Ислам Каримов китобининг тақдими доирасида бошқа иштирокчилар ҳам ўз мулоҳазаларини билдиришди ва жорий глобал инқироз салбий оқибатларининг олдини олишда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг аҳамиятини қайд этди. Шу ўринда, қишлоқ ҳужалиқи, фермерликни ривожлантириш, айниқса, 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, таълим, фан, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадларига йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш борасидаги чора-тадбирлар алоҳида таъкидланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ташкил этиш, ишлаб чиқаришда материал ва энергия сарфи ҳамда бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига пасайтирилганлиги, мossaлуванч нарх сиёсати амалга оширилганлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишда ҳал қилувчи омиллар бўлди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисоботларнинг батафсил муҳокама этилиши жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мураккаб шароитларида мамлакатимизнинг Давлат бюджетини ижро этиш юзасидан Вазиirlар Маҳкамаси талай ишларни амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилди. Хусусан, ҳукумат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа муҳим соҳаларни ўз вақтида молиялаштириш мақсадларига қатъий эътибор қаратаётгани таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ва 2009 йилнинг биринчи чорағидида ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Абдуназаров «Электр энергетикаси тўғрисидаги қўнун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу қўнун лойиҳаси электр энергетикаси борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, шу соҳадаги давлат назорати органларининг, мамлакат ягона энергетика тизимидаги электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ваколатларини, мазкур тармоқда-

ги бошқа долзарб масалаларни белгилаб беради.

Қўнун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш пайтида депутатлар электр энергияси ишлаб чиқариш, уни узатиш ва ўтказишда бозор механизмларини ривожлан-

талабларига қатъий мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган. Моддама-модда муҳокама қилингандан кейин Қонунчилик палатаси депутатлар қиритган ҳисобга олган ҳолда Қўнунни қабул қилди. «Эркин иқтисодий зоналар тўғри-

лар бериш механизмига, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган фаолият турларига, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш тартибига тааллуқлидир. Депутатлар айрим ҳўқуқий нор-

олишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ишларни бажаришдан ҳўмоқа қилишга доир талаблари билан боғлиқ.

Мазкур ҳўжатни муҳокама қилиш пайтида депутатлар болалар ҳар томонлама камол топиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мамлакатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, соғлом, билимдон ёш авлодни шакллантириш ана шу вазифаларнинг амалга оширилишига боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Қиритилган ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон қўнун ҳўжатларининг меҳнат ҳўқуқи ва болалар ҳўқуқларини ҳўмоқа қилишга доир қисми халқаро стандартларга мувофиқ ҳолга келтирилди. Бу эса, ёш мустақил давлатимизнинг бола ҳўқуқларини ҳўмоқа қилиш ва мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишда умуминсоний кадрларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар қўнун лойиҳасининг концепциясини маъқуладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қўнунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташевнинг маърузаси бўйича Қўнунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар қиритиш ҳақидаги қўнун лойиҳасини кўриб чиқди. Қўнун лойиҳаси автоматотранспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини ўйрилганлиги учун жавобларини белгилайди. Бу норма мазкур турдаги жиноятни очиш бўйича тежор-қидирув ва тергов тадбирларини янада самаралироқ ўтказиш имкониятини беради.

Ҳўжатни янада такомиллаштиришга қаратилган барча тақлифлар муҳокама этилгандан кейин депутатлар Қўнунни қабул қилдилар.

(Ў.А.)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

тириш шароитида мамлакатимиз электр энергетикасини янада такомиллаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Айрим ҳўқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида депутатлар томонидан қиритилган тақлифлар ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда, қўнун лойиҳасини муҳокама қилишни Қўнунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттиришга қарор қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси С. Аҳмедовнинг маърузаси бўйича депутатлар «Қимматли қозғолар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгаришлар қиритиш ҳақидаги қўнун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Тақлиф этилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг бир қатор қўнун ҳўжатларидаги тегишли атамалар ва тарифларни бир хиллаштиришга ва бир тахлитда қўллашга қаратилгандир. Ҳўжат қимматли қозғолар бозори соҳасида амалдаги ҳўқуқий нормалар синчиқлаб таҳлил этилгандан кейин, миллий қўнун ҳўжатлари

Қўнунга ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш ҳақидаги қўнун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А. Тўхтабоев тақдим этди. Қўнун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз ҳудудида замонавий юқори технология ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ҳўжатни моддама-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар амалдаги қўнун ҳўжатларини эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши амалиётига мослаштириш, уларнинг оператив бошқарувини мувофиқлаштириш зарурати билан боғлиқ. Қиритилаётган тузатишлар эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартибига, қўшимча имтиёзлар ва афзаллик-

ларнинг янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қўнунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳўқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида»ги қўнун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси А. Юнусова тақдим этди. Қўнун лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияси (Женева, 1976 йил 26 июнь) Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилди. Мазкур конвенцияга мувофиқ, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш мажбурий мактаб таълимини таъминлаш ёшидан, яъни 15 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. Амалдаги қўнун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш зарурлиги, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунининг умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ва болаларни таълим

ҲАМ ЎҚУВ, ҲАМ АМАЛИЁТ

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб бориладиган ислохотлар кўламини кенг. Эътиборли жиҳати, истиқлол йилларида ушбу соҳаларга доир янги тармоқлар фаолиятининг йўлга қўйилиши таълим тизими ходимлари зиммасига ҳар томонлама чуқур, пухта билим ва касб-ҳунар эгаллаган малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини оқламакдир.

Ислохот самараси

Шу мақсадда жорий ўқув йили олдидан Жиззах туманида ижтимоий иқтисодий ва банк коллежи биносига қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда ўқув юртида тахсил олаётган 450 нафар йилгит-қиз банк иши, бухгалтерия ҳисоби, менежмент, архившунослик, ЭХМ оператори, ҳўжалик ҳўқуқи фаолияти каби тўққизта йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

— Ўқув масканимиз 645 ўринга мўлжаллан-

ган, — дейди коллеж директори ўринбосари Рано Нуриддинова. — Физика, кимё ва биология фанлари бўйича лабораториялар, 2 та лингафон, 2 та информатика хонаси, очик ва ёпиқ спорт иншоотлари ҳамда замонавий ўйингоҳ ўқувчилар ихтиёрида. Ҳозирда ҳар бир ўқув машғулотини амалиёт билан узвий боғлаш ҳолда, энг асосийси, ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини инобатга олиб ташкил этишга ҳаракат қилаёмиз.

Б. АКРАМОВ олган сурат.



Кеча Занғиота туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши билан биргаликда қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш ҳақида дерамад манбаларини қўпайтиришнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясига бағишланган семинар ўтказди.

Дастур ижроси: ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛАДИ

Унда вилоятдаги туман ва шаҳар кенгашлари доимий комиссиялари раислари, тегишли вазиrлик ва идора-ларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда қишлоқни ободлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой, йўл қурилиши,

электр энергия, газ ва ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига қўрсатиладиган сервис ва хизматлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Давлат дастурида белги-ланган вазифаларнинг бажарилиши қишлоқларимиз раванлигига хизмат қилиши бўйича амалга ошириладиган ислохотларни юқори ба-ҳоладилар. Чунки дунёнинг қўллаб-қувватлашга молиявий таълим тизимида ҳам тобора ри-вожланиб бормоқда. «Ўзмилли-

аник, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шохид Мамадалиева. — Зеро, уларга биноан, қишлоқларимизда узунлиги 5 км. бўлган йўллар тубдан реконструкция қилинади, 47 км. йўл тузатилади. Уз навбатда, 79,4 км. ҳўжалик-лараро автомобиль йўллари раван бўлиши учун тегишли

рувонлашувига туртки беради. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

Семинар

татиши ишлари бажарилади. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

татиши ишлари бажарилади. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

татиши ишлари бажарилади. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

татиши ишлари бажарилади. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

Иқтидорлилар баҳси

Нукусда «Қалъақ овози — 2009» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманларда голиб бўлган 600 га яқин ёшлар иштирок эттишди. Танловда қатнашчилар тўрт номинация — «Архитектура ва дизайн», «Ахборот технологиялари ва рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Дастурий ва амалий ҳунар» ҳамда «Адабиёт ва публицистика» йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишди. Қизқарғил ўтган танлов якунида голиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодий ривожланишнинг ўзбек модели пухта ишлаб чиқилган, айниқса, у жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига мустақкам тўсиқ бўлаётгани халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Шу боис дунёнинг қўллаб-қувватла-ри ушбу тажрибани чуқур ўрганмоқдалар.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган фикрлар, қоида ва хулосалар юзасидан ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция якунлари шундан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида мазкур анжуман натижаларига бағишланган симпозиум бўлиб ўтди. «Жаҳондаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида инқирозга

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ

халқаро мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда

қарши чора-тадбирларни ўрганиш» мавзусидаги мазкур тадбирда Хитой Халқ Республикаси Активлар ва пассивлар қўмитаси бошқарувчиси ўринбосари Ву Сюэлин хоним ҳамда Хитой давлат тараққиёт банки (ХДТБ) вакиллари иштирок этди.

Симпозиумда бугун жаҳонда юз бераётган глобал молиявий бўҳрон шароитида унинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар Ўзбекистон ва

банк» билан Хитой давлат тараққиёт банки ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик юқори даражага кўтарилган дўстона ва тенг манфаатли ҳамкорликнинг махсулидир.

Томонлар шу йил 22 майда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ишидаги иштироки ҳақида атрафлиқ фикр алмашдилар. Хитойлик мутахассислар мамлакатимизда иқтисодиётни ислох қилиш

каби ижтимоий муаммолар то-рабора кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб, янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этилаётти, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишга алоҳида атрафлиқ фикр алмашдилар. Буларнинг бари Президентимиз та-шаббуси билан пухта ишлаб чи-қилган Инқирозга қарши чора-лар дастури доирасида амалга ошириладиган ислох тадбир-

ларнинг самараси сифатида изчил ислохотларни юқори ба-ҳоладилар. Чунки дунёнинг қўллаб-қувватлашга молиявий таълим тизимида ҳам тобора ри-вожланиб бормоқда. «Ўзмилли-

аник, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шохид Мамадалиева. — Зеро, уларга биноан, қишлоқларимизда узунлиги 5 км. бўлган йўллар тубдан реконструкция қилинади, 47 км. йўл тузатилади. Уз навбатда, 79,4 км. ҳўжалик-лараро автомобиль йўллари раван бўлиши учун тегишли

рувонлашувига туртки беради. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

татиши ишлари бажарилади. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

татиши ишлари бажарилади. 229,6 км. электр тармоғи яхшиланади. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожланишига, одамлар турмушининг фа-

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Парламент назорати

Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ишлари тўғрисида»ги Қўнуннинг вилоятдаги ижросини ўрганиш натижаларига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ баркамол авлод тарбиясида муҳим ўринга эга

Унда мазкур қўмита аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссиялари раислари, тегишли бошқарма ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ҳозирги кунда вилоятда 6 та жисмоний тарбия ва спорт бирлашмаси муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 41 та спорт федерацияси, 45 та жисмоний тарбия-соғломлаштириш клуби ишлаб турибди. Ҳаммаси бўлиб 920 та спорт иншооти мавжуд. Йиғилишда ушбу иншоотларда 393 минг нафар киши спортнинг 41 тури билан мунтазам шугулланиб келаяётгани ҳақида уларнинг 132 минг нафар киши қишлоқ аҳолиси эканлиги жуда яхши натижа сифатида алоҳида эътироф этилди.

Бундан ташқари, биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан 2003-2008 йиллар мобайнида 12 та замонавий спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширилган. Эътиборлиси шундаки, ҳозирда ушбу мажмуаларда 5 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг турли йўналишлари бўйича маҳоратларини оширмоқда.

Шунингдек, тадбирда Қўнун ижросини тўла таъминлаш ва вилоятда спортни янада омаллаштириш билан боғлиқ фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилиб, муҳокама этилган масала юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида Ёнғин оқибати

Туркиянинг Бурса музофотидаги госпиталда ёнғин содир бўлди.

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Натияжада у ерда довланаётган саккиз киши ҳаётдан қўз юмган. Ёнғин электр тармоғидаги қисқа туташув туфайли келиб чиққани тахмин қилинмоқда. Айни пайтда "Тилсиз ён" бўғидай бартаф этилган.

Воқеа юзасидан текшириш ишлари бошлаб юборилди.



Энг қиммат компания

Хитойнинг "PetroChina" нефть компанияси яна дунёдаги энг қиммат компания сифатида ном қозонди.

Шанхай биржасида унинг акциялари нархи уч фоизга кўтарилиб, 336 миллиард АҚШ долларига етган. Кузатувчиларнинг фикрича, бунга "PetroChina"нинг "Singapore Petroleum" (Сингапур) компаниясини сотиб олоқчи эканлигини маълум қилгани асосий сабаб бўлган. Мазкур хариднинг қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши айtil-моқда.

Эслатиб ўтамиз, "PetroChina" 2007 йилда ҳам худди шундай эътирофга сазовор бўлган. Ушунда унинг капитали бир триллион АҚШ долларидан ошган. Аммо 2008 йилнинг март ойига келиб, Хитой компанияси борадаги мақсидни АҚШнинг "Exxon Mobil" компаниясига бериб қўйган.

Барча чоралар кўрилади

Германия канцлери Ангела Меркель ўтаётган ҳафта ўрталарига келиб, "Оре" автомобилсозлик компаниясининг харидори номи маълум бўлиши айтиб ўтди.

Айни пайтда ушбу компанияни "Fiat" автоконцерни, "Magna" кўша корхонаси, "Сбербанк", "ГАЗ" ва "РНЛ" инвестиция жамғармалари сотиб олиш истагини билдирган. Улар орасида "Fiat" асосий даввогар ҳисобланади.

Германия ҳукумати ҳар қандай вазиятда ҳам "Оре"нинг Германиядаги тўрт корхонаси фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун зарур бўлган барча чораларни кўради. Чунки компания банкротга ўчраса, мамлакатда ишсизлар сони 25 минг кишига ошиб кетиши мумкин экан.

Ҳамжиҳатлик зарур

Айни кунларда Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида иқлим ўзгаришига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтмоқда.

Унда дунёнинг 800 дан зиёд йирик корхоналари раҳбарлари иштирок этмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош котиби Пан Ги Мун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни кузатилаётган айни пайтда ушбу муаммага қарши ҳамжиҳатликда барча зарурлигини айтиб ўтган.

Яна бир иштирокчи, АҚШнинг собик вице-президенти Горнинг таъкидлашича, ҳозир инсоният олдида бир-биридан ҳавфи кам бўлмаган учта муаммо юзага келган. Булар — иқлим ўзгариши ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш масаласи. Ушбу муаммоларга қарши курашишда барча давлатлар яқдиллиги жуда муҳим.

Эътирозга сабаб синов

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида маълум қилинишича, Шимолий Кореянинг ядро қуролини синовдан ўтказиши халқаро ҳамжамиятнинг кескин қаршилигига сабаб бўлган.

Жумладан, Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида юзлаб одамлар расмий Пхеньянинг ушбу ҳаракатидан норози бўлиб намойиш уюштиришган. АҚШ президенти Барак Обама Шимолий Кореянинг бу иши унинг халқаро ҳамжамиятдан ажралиб қолишини тезлаштириши билан бирга, ўзига нисбатан ташқи босимнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкинлигини айтиб ўтган.

Ушбу синов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳам жиддий эътирозига сабаб бўлди. Ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши мазкур масала юзасидан зудлик билан йиғилиш ўтказган.

Шимолий Кореянинг ядро қуролини синовдан ўтказиши натижасида минтақада 4,5 балли суғийли зилзила келиб чиққан. Бу эса ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли хавфсизлигига раҳна солган.

Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хизмат кўлами кенгаймоқда

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бора-сида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Жиззах вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ерда омихта ем, кунжара, шелуха сотиш билан шуғулланадиган 13 та МЧЖ ташкил этилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида уларнинг савдо шохобчалари сони 146 тага етказилди.

— Шохобчалар жойлардаги мавжуд шартли мол бош сони ҳисобига олиниб кўпайтирилмоқда, — дейди вилоят омихта ем етказиб беришга иxtисослашган бош бирлашма раиси Хамид Мусурмонов. — Шунга биноан, аксарият шохобчаларимиз аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланадиган тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатмоқда. Утган қисқа даврда чорвадорларга 40 минг тоннага яқин ем етказиб бердик.

Шу тариқа 10 мингдан зиёд фермер хўжалиқларидаги чорва моллар учун озуқа таъминоти муаммоси ҳал этилди. Барча шохобчаларнинг маҳсулот қабул қилиши, сақлаш базаси мустақамланди. Энг муҳими, замонавий савдо хизмати кўрсатишга иxtисослаштирилди. Савдо нуқталарининг кўпайтирилиши эва-

Қарор ва ижро

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-академик лицей бундан олти йил муқаддам фаолият бошлаган эди. Бу ерда ўқувчиларнинг умумтаълим ҳамда иxtисослик фанларидан пухта билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Лицейда дарс машғулотларининг қизиқарли, ўзига хос ва сифатли тарзда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КЕЛАЖАК БИЗНИКИДИР

Ўқувчиларнинг аниқ фанлардан олган билимларини янада чуқурлаштиришда энг сўнгги ўқув ускуналари билан жиҳозланган физика, химия ва биология синфлари ҳамда лаборатория хоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, 4 та лингафон хонаси, 2 та компьютер синфи ўқувчилар хизматида.

Лицейда тўрт йўналиш — аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар, чет тиллари ва табиий фанлар бўйича таълим олаётган ёшлар билан синфдан ташқари тарбиявий иш олиб бориш ҳам изчил йўлга қўйилган. Ёшлар орасида диний-экстремизм, гиёҳандлик каби иллатларнинг олдини олиш, фарзандларни бундай хавфдан омон сақлаш, уларни доимо оғоҳ бўлиб яшашга ундаш жамоанинг асосий шioriга айланган.

Ўқув даргоҳида ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Бу ишларда лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари С. Утешова, психолог У. Халмуратова, лицей хотин-қизлар кўмитаси раиси Р. Қараманова, жисмоний тарбия ўқитувчиси М. Аташовнинг хизматлари катта.

Мазкур академик лицейда илгари кутубхона, ҳозир эса ахборот-ресурс маркази сифатида ёшларга хизмат кўрсатаётган маскан йилдан йилга китобсеварлар билан бойимокда. Ахборот-ресурс марказининг дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан ўз вақтида таъминланиши до-

мий эътибордадир. Бу ерда ижод ва илм-фан аҳли билан турли учрашувлар, китобсеварлар ўртасида мусобақалар тез-тез ўтказиб турилади. АРМ қарийб 1028 нафар аъзога эга. Ҳар йили 45-50 номдаги газета-журналга обуна бўлинаётгани ёшларнинг билим доираси тобора кенгайишига замин яратадир.

— Лицей ахборот-ресурс марказида жами 20 минг 295 дона китоб мавжуд, — дейди лицей директори Д а в л а т б о й Утебоев. — Марказдаги интернетга уланган компютерларда ўқитувчиларимизнинг мазруза матнлари мавжуд, ёшлар ушбу манбалардан бемалол фойдаланишлари мумкин. Ёшларимиз, қолаверса, аҳоли орасидан ҳам китобсеварлар ташрифи кўпаяётганини инобатга олиб, АРМни янада қулай шарт-шароит билан бойитишга ҳаракат қилаёмиз.

Лицейда ёшларни жаҳон янгиликларидан воқиф этишга, шунингдек, ўғил-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратилаётди. Масалан, "Чегарасиз шифокорлар" ташкилоти ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, ота-оналар иштирокида ўтказиладиган "Силсиз ҳаёт учун", "Одам савдосига қарши курашиш", "Очик эшиклар кўни" мавзуларидаги йиғилиш ва мулоқотлар ёшларнинг билим доираси ва дунёқарашини кенгайишига хизмат қилаётди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» банки (ОАЖ)

қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:
«БОЛАЖОН» (болалар учун омонат)

Сақланиш муддати — 1 йилдан юқори, омонат бўйича йиллик 22% ҳисобланади.

«ОРЭУ»

Сақланиш муддати — 3 йил, омонат бўйича йиллик 18% ҳисобланади. Қўшимча 3% миқдорида бонус ҳисобланади (жами 21% ҳисобланади).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:
«ИШОНЧ» АҚШ долларларида.

Сақланиш муддати — 6 ой. Омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади ва қўшимча 2% бонус (жами 12% ҳисобланади).

«МУЛЬТИВАЛЮТАДА»
АҚШ долларларида, еврода, фунт стерлингда

(омонат юқорида кўрсатилган хорижий валюталардан бирига очилади ва омонатчиларга қўшимча хизмат турлари сифатида юқоридаги хорижий валюталарни нақдсиз кўринишда алмаштириб беради).

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 6% ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | |
|--------------------------------|-------|-----------|
| 1. Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. Юнусов филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Корхоналар, ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар диққатига!

Термиз давлат университетининг қурилиши яқунланаётган бош ўқув биноси учун шахсий компьютерлар ва мосламалар харид қилиш ҳамда ўрнатиш бўйича тендер эълон қилинади.

Тендер савдоларида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ёки харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш учун тендерда қатнашиш бўйича шартларни бажариб келган ва маҳсулотларни етказиб бериш бўйича етарли тажрибага эга бўлган хорижий ҳамда мамлакатимиз корхоналари ва фирмалари иштирок этиши мумкин.

Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссия ишчи органи манзили: **190140, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектурилиш» кўмитасининг Сурхондарё вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Тел./факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-57, 222-44-76, 222-45-92.**

Тендер предмети — **Термиз давлат университетининг бош ўқув биноси учун шахсий компьютерлар ҳамда мосламалар харид қилиш ва ўрнатиш.**

Тендер предметининг бошланғич нархи — 381,056 млн. сўм.

Тўлов шартлари: бунак — 50%; жорий молиялаштириш — маҳсулотларни харидорнинг манзилига етказиб берилгандан сўнг — 45%; ўрнатилиб синовдан ўтказилгандан сўнг — 5%.

Маҳсулотларни етказиб бериш шартлари тендер ҳужжатлари тўплами ва тендерда қатнашишга бериладиган таклифномада тўлиқ келтирилган. Маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзолангандан сўнг — 20 кун.

Тендер бошланғичидан олдин талабгорларнинг малакасини аниқлаш амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш нархи — тендерда қатнашишга бериладиган таклифномада кўрсатилган.

Гаров (тендер таклифининг кафиллиги) пули суммаси тендер предмети нархининг 2 фоизи миқдорини ташкил қилади.

Гаров (тендер таклифининг кафиллиги) пулини тўлаш тартиби ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун банк реқвизитлари танлов ҳужжатлари тўплами ҳамда тендерда қатнашишга бериладиган таклифномада тўлиқ келтирилган.

Талабгорлардан тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 27 июнь кўни маҳаллий вақт билан соат 15.00 гача.

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (хизмат кўрсатувчилар, ишларни бажарувчилар) учун нарх имтиёзлари берилган ҳолда тендер савдолари ўтказиш амалга оширилади.

Тендер савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун Сурхондарё вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Ташкилотнинг ахборот хизмати

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ!

АВТОКРАНЫ:

| | |
|--------------------------------------|--|
| КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ | • максимальная грузоподъемность — 14 т |
| КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ | • максимальная высота подъема — 14,5 м |
| КС-5572 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ | • максимальная грузоподъемность — 16 т |
| | • максимальная высота подъема — 22 м |
| | • максимальная грузоподъемность — 25 т |
| | • максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом) |

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.temz-kran.uz

Тошкент шаҳар Яққасарой туманида рўйхатдан ўтган "ПОЛИГРАФ ИНТЕКС" МЧЖ ўз Устав фондидан 97389522 сўмдан 47389522 сўмгача камайтирилишни маълум қилади.

Маълумот учун телефон: 281-43-89.

Тошкент кимё-технология институтининг жамоаси институт илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Р. В. Мкртчянга онаси **Лидия ВАСИЛЬЕВНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор қилади.

